

Халкимиз таъбирича, бу замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб кўя-турган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халк мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча, хукмлар ҳам шариятча эди. Ўғирлик килган учун кўл кесиладир ва ё дорга осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадирлар, ичкулик ичкан учун кирк дарра уриладир. Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, намоз- сизларни текширадир, фарзи айн билмаганларни урдирадир эди. Иш шунчалик нозик бўлатуриб ҳам ўғрилар ўз тирикликлари оркасидан колмайдирлар. Эш ака билан Тош ака-нинг уйлари оркасидан тешилиб моллари ўғирлана берадир, пештоқдан копка бўғилиб ташланмок учун фохишалар ҳам етишиб турадирлар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўб, аммо фарзи айннинг бош томонидан тўрт-беш жумлани хар ким кийналмасдан сайрий олар эди. Кўб кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб кайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкулик сотиш билан тириклик килгучилар ҳам йўқ эмас эдилар. Тошканднинг Чукур кишлок деган ерида козоклар томонидан очилган ва хашиша рустамнамо кишилар билан айкириб ёткан бўзахоналар ҳам йўқ эмас эди.

Беш ойлаб Ок масжид сафарида юриб кеткач, Отабек тўгри шу Чукур кишлок бўзахоналаридан бирига келиб тушкандек бўлди. Уни кундуз кунлари бўзахонада учратиб бўлмаса-да, аммо бўзахонага келмаган кечаси жуда оз эди. Бўзагар Отабекнинг ким боласи эканлигини яхши билгани учун хамма ишни унинг тилагига караб килар, ул келди дегунча оддий бўзахўрлар ёнига ўткузмай ўзининг махсус хужрасига олиб кирар, бошкаларга берилатурган лойка бўзадан бермай, бўза-нинг гули билан мехмон килар эди.

Хозир ҳам ул шу бўзахонада эди. Энди учунчи кувачани тугатиб, тўртинчини чакирган эди. Бўзагар кирди:

— Бўза берайми, бек? — деб сўради.

— Беринг, — деди ва: — машшогингизни ҳам киргизинг!

Вакт ярим кечадан ҳам огкан, кундуз кунидан бери ичишиб чарчаган хўрандалар бакиришиб-чакиришиб таркалишкан эдилар. Бўзахона тинчиган эди. Кўлма-кўл юриб чарчаган машшок ҳам бўшаб, Отабекдан катта-катта эхсонлар кўргани учун, вақтнинг кечлигига ҳам эътибор килмай кирган эди. Машшок Отабекнинг сархуш кўлидан бир пиёла бўзани ичкач, дуторини чертиб сўради:

— Кандай куйни чалай, бек ака?

Отабек сархуш товуш билан жиддийгина килиб жавоб берди:

— Билсангиз, хайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз!

Машшок ажабсинган эди:

— Дунёда бундай куйлар борлигини умримда би-ринчи мартаба эшитаман, бек ака!

— Дунёда бундай куй йўқ деб ўйлайсизми, сиз эшитмаган бўлсангиз манинг эшитканим бор... Билмасангиз, билган куйингизни чалингиз!

Машшок дуторини созлар экан, яна сўради:

— Бу куйлар янги чикганми?

— Янги чикган.

— Каерда эшитдингиз?

Отабекнинг кайфи таркагандек бўлиб, машшокка каради:

— Бу куйларни Фаргонанинг Маргилонида эшитдим...— деди.

Дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшок, Отабек кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юборган эди. Куйнинг бошланиши биланок унинг вужуди зирр этиб кеткандек бўлиб кейинги пиёласини бўшатди ва ихтиёрсиз равишда дуторнинг мунглик товшига берилди. Дутор товши кандайдир ўзининг бир хасратини сўзлагандек, хикоя килгандек бўлиб эшитилар эди. Йўк, бу хасратни ул ўз тилидан сўзламас эди — Отабек тилидан сўзлар эди... Отабекнинг кўз ўнгидан ўткан кунлари бирма-бир ўтиб бошладилар-да, ниҳоят «анув» хотиралари, «анув» хангомалари ҳам кўриниш бериб ўтдилар... Йўк, ўтмадилар... унинг кўз ўнгида келиб тўхтадиларда, шу кўйи турабердилар... Дутор бу кўринишни унинг кўз ўнгига келтириб тўхтатқач, бу фожиъага ўзи ҳам чидаб туролмагандек йиглий бошлади... Дутор куруккина йигламас эди, балки бутун коинотни зирр этдириб ва хаста юракларни дирр силкитиб йиглар эди... Отабек ортик чидаб туролмади-да, рўймоли билан кўзини яшириб йигламоққа киришди... Ул кўз ёшларини тўхтатмоқчи бўлар эди. Бирок хозирги ихтиёр ўзида эмас эди — ҳамма ихтиёр дуторнинг хазин «Наво»сида, токатсиз йигисида эди... Дуторнинг нозик торларидан, тилсимлик юракларидан чикган «Наво» куйи ўз ноласига тушунгучи Отабекдек йигитларга жуда мухтож эди. Ўз дардига тушунган бу йигитка борган сайин дардини очиб сўзлар, йиглаб ва инграб сўзлар эди... Эшиткучи эса дунёсини унутиб йиглар, кучини йигиштириб йиглар ва хасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиглар эди... Ниҳоят «Наво» куйи унинг бутун танидаги сувларини кўзи оркалик тўқдирди-да, фалакнинг тескари харакатидан шикоят этиб кўйди ва дунёда ёлғиз хасраткина бўлмаганлигини билдиргандек ўзининг «савт» куйини ер юзига шодлик ва сўйинч ёғдириб арз эта бошлади. «Наво»нинг сихирлик «савт»и Отабекнинг кўз ёшларини куритди-да, бир енгиллик багишлади. «Наво» билан ювилиб кеткан унинг умид гулзорида янги чечаклар униб чикди...

Отабекнинг ўша воқиъадан сўнгги Маргилон катнашлари факат натижасиз куруккина бир катнаш эди. Бу катнашнинг хар бирисида уста Алимникига тушар, аммо хануз ундан ўзининг сиррини яшириб, Андижондан кайтиб келишини ва ё боришини ва йўл устидан кўриб кетиш учун кирганини айтиб уста Алимни миннатдор килар эди. Ул Маргилонда кўб тўхтамас, бир кун, узокка тортилса икки-уч кун туриб кайтар, баъзи вақтларда йўл устидан «Хўжа Маъоз» мозорини ҳам тунаб кетар эди. Унинг ўн кунлаб йўл машаккатини ўз устига олиб, Маргилонда килатурган иши шу машаккатлар эвазига арзугулик эдими, йўкми, ўкугучи буни куйидан онглар:

Маргилондан натижасиз, тамоман бўшка кайтиб Тошканд келгач, Кумушни унуткандек бўлиб уч-тўрт кун у-бу билан овиниб юрар, сўнгра хафта, ўн кундан сўнг яна Маргилон тўгрисида ўйлаб бошлар, ўйлаб ўйининг тегига ета олмагач, ўзини каёкка уришини билмай колар, шундан сўнг ҳамма аламини Чукур кишлокка хавола килиб, ўн-ўн беш кун босим ичканидан сўнг ичкулукдан ҳам лаззатланмай колар ва шунинг ёнида унинг кўнгли бир нарсанинг бўйини олгандек сезинар, гўё Маргилон борса бир гап бўлатургандек, бормаи колса кейинчаликда ўзи ўкинатургандек... Шундан сўнг тўсатдан Маргилон йўлига тушиб колар, йўлда борар экан, ўзини тўрт кўз билан кутиб тургандек сезилган Маргилонга хар нимадир, бир соат илгарирок етиш учун ошикар эди. Ле-кин... лекин Маргилон дарбозасидан кириши ила унинг холи ўзгариб бошлар, юраги кинидан чикар даражада ўйнамоққа олур, айникса пояфзал растасига якинлашгач, унинг бу изтироби шиддатланур, пояфзал растасининг яқини билан бунчалик ўзгаришда колган Отабек растанинг ўзида кандай холга тушмогини тасаввурдан ожиз келур ва раста кўринди дегунча отининг бошини чапка буриб юборар ва оркасидан кимнингдир «...борингиз,

эшигим ёнида тўхтамангиз... уятсиз!» товши эшитилгандек бўлар эди... Ўз-ўзига «хакикатан мен уятсиз», деб кўяр ва шунинг ила хамма кутилган-кузатилган гаплар, беш кунлик йўл машаккатлари хавога кетар, хатто хаёлда эмас, хакикатда ўйлаб қўйган кайин отаси билан хотинини шариятка чакириш фикри хам унутилар ва йўколур, «хийлагарнинг юзини козихонада кўрайми, ўзи хам курсин, юзи хам!» дер эди-да, отини тўгри уста Алимникига караб солар эди.

Отабек уста Алимни жуда юкори даражага қўйга-нидек, унинг мажлиси билан хам анча енгиллашар, ўн йиллардин бери уста Алим юрагида сакланган ва кабрга хам бирга кетиши кутилган ишк тарихини кайта-кайта эшиткуси келаберар, уста Алим хам ўзининг ўлган Саодати тўгрисидаги ипидан-игнасигача бўлган хотираларини такрор-такрор хикоя килиб, хикояси охирида: «Пешонамга сигмади-да, ўлди», деб кўяр, бу сўз Отабекнинг хам юрагига совук сув сепкан таъсирини бериб, ул хам кўнглидан: «Маним хам пешонамга сигмади-да, тириклайин ўлди» деган сўзни ўткузар эди. Шу холда икки-уч кун уста Алимникида тургач, энг сўнги мартаба Маргилон билан хайрлашкан каби шахарнинг хар бир нарсасига алвидо назари билан бокар ва боши огкан томонга кеткандек Маргилоннинг ўнгай келган дарбозасига караб йўл олур эди. Кўконда бир-икки кун, Кировчида уч-тўрт кун, Курама, Телов ва шунингдек, кишлокларда хам бир неча кунлаб кўна-кўна ниҳоят, Тошкандга келиб етар яна... яна...

Отабекнинг Маргилонга бориб келиши шу йўсунда эди. Унинг сирри ўзидан бошка хеч кимга маълум бўлмаганликдан, орада унинг холига кулгучи ва ундан хисоб олгучи бирав хам йўк, факат ул хамма хисобни ўз юрагидан олиб, ўз юрагига берар эди. Шу йўсун оромсизлик ва бесаранжомлик ичида унинг ой-кунлари ўтиб турар эди.